

Фольклор ва ёзма адабиёт муносабатларини. тадқиқ этувчи амалий ишлар анчагина. Хусусан, бир ёки бир неча шоирларнинг конкрет бадиий асарларида фольклор материалларининг иштироки масаласи атрофлича ўрганилган. Биргина ўзбек адабиётшунослиги да О. Собиров, Н. Маллаев, М. Алавия, Е. Жўраев, С. Аскарлов Г. Жалилов, М. Хакимов, Ш. Абдуллаева, А. Жўрахонов, Б. Мамедов каби олимларнинг адабиётимиз тарихидаги бирор ижодкорнинг асарларида фольклоризмларни ақиқлашга бағишланган катор монография, диссертация ва мақолаларини санаш мумкин. Гарчи мазкур муаллифларнинг тадқиқотлари савия ва сифат жиҳатидан кескин фарқ қилса-да, улар фольклор ва адабиёт муносабати масаласини амалий ўрганишда муайян аҳамият касб этади.

Бирок амалий характердаги ишларнинг кўплигига қарамай, фольклор ва адабиёт муносабатларининг назарий масалаларини бугунги адабиётшунослик нуқтаи назаридан атрофлича, чуқур ўрганишга бағишланган тадқиқотлар йўқ даражада. Ваҳоланки, рус жаҳон адабиётшунослик фани мазкур масалани назарий жиҳатдан ўрганишда жуда илгарилаб кетди. Илмий ҳолислик юзасидан шуни алоҳида қайд этиш керакки, профессор Натан маллаевнинг "Алишер Навоий ва халқ ижодиёти" номли 1974 йилда чоп этилган тадқиқоти, гарчи мақсад ва вазифасига кўра амалий характердаги иш бўлса-да, назарий умумлашмаларга бойлиги билан ҳам диққатга сазовор. Аммо бу ҳол ўзбек адабиётшунослигида фольклор ва ёзма адабиёт муносабатини кўламдор назарий аспектда ўрганиш ва халқ этиш масаласини истисно этмайди, балки шу мақсад сари интилишнинг бошланғич босқичи сифатида муайян йўналиш беради.

Профессор Н. Маллаев зикр этилган китобида қуйидаги кузатишларига асосланиб иш кўради. "Алишер Навоий халқ ижодиётидан бевосита ва бавосита фойдаланади. У халқ ижодчиларини эшитиш билан бирга, фольклор материаллари ёки анъаналари ўрин олган ёзма манбалардан кенг бақраманд бўлди. Фольклор асарлари (ёки элементлари) тарих китоблари, турли тазкиралар, илмий асарлар ва ёзма адабиётдан ҳам ўрин олган эди. Улар айнан ёки қайта ишланиб ёзма асарларга киритилар эди" (86-бет). Бундай қараш бутун тадқиқот давомида ўзини тўла оқлайди.

Маълумки, Шарқ классик адабиётида мавжуд катор персонаж-лар тарихий шахслар ёки тарихда ўтган шахсларнинг прообразла-ридир. Улар ижобий ё салбий мазмундаги бирон хизматлари, тақдири, кечмишлари билан халқ тилига, тарих солномаларига тушганлар. Тарих билан халқ бадиий тафаккури, фантазиясининг бир-бирини тўлдириб, чоғишиб кетиши ҳосиласи ўларок улар ярим тарихий-ярим афсонавий ва ҳатто вақти билан тамом афсонавий жиҳат касб этиб кетганлар. Ана шундай шароитда бу персонажлар индивидуал ижодкорлар асарларига марказий қахрамонлар бўлиб тарихдан-ёзма манбалардан қирдимиз ёки фольклорданми, аниқ айтиш амри маҳол. Агар бадиий асардаги қахрамоннинг кечмиши, асар воқеалари ўзаро фарқ қилувчи ёзма манба билан халқ вариантдан бирортасига мувофиқ келса уни аниқлаш ва конкрет ҳулоса чиқариш мумкиндир. Лекин ёзма манба билан халқ афсона ривоятлари айнан бўлса-чи? Бу ҳолда ўз-ўзидан масала мураккаблашади. Ақсар ҳолларда ёзма манбаларнинг ўзи ҳам халқ афсона ва Ривоятларига асосланади ва ё аксинча афсоналар ёзма манбалар заминида бўлади. Айни чоғда бевосита фольклордан конкрет ижодкор асарига кўчган персонаж кейинги тараккиёт давомида бошқа давр ижодкори асарига адабий анъана тарикасида ўтиб боради. Бу ҳолда фольклорда ўзлаштиришнинг бавосита тури ҳақида сўз юритиш

лозим бўлади. Хусусан анъанавий "Хамса" чиликда анъанавий кахрамонларнинг ана шундай бевоасита ўзлашиб бориши ходисасини кузатиш мумкин. Албатта улар муаллифнинг мақсад ва вазифаси, даври тақозосига кўра муайян хусусиятлар касб этиб бориши табиий. Мана шу жиҳатларни кўзда тутиб, рус адабиётшуноси Л. И. Емильянов 1978 нашр этилган "Методологические вопросы фольклористики" номли китобида Натан Маллаев карашларига ҳамоханг фикрни баён этади. "Адабиёт фольклорда у ёки бу бадиий хусусиятларни ўзлаштириб туриб, шу захотиёх уларни индивидуал бадиий ижодга ўтказиш билан чекланмай, шу билан бирга у ёки бу даражадаги собит адабий анъанани майдонга келтиради. Бу эса, ўз навбатида, кейинги адабий авлодларнинг фольклорга бевосита мурожаат этиш заруратини камайтиради, чунки бу авлодлар ҳақонлардир адабиёт фольклор билан ўзаро алоқада майдонга келтирган бадиий хусусиятларга адабиётнинг ўз анъанаси сифатида ёндошиш имкониятига эга бўлдилар" (184-185). Мана шу фикрларга суяниб, Фуркат ижодини ҳам ўрганиб чихиш мақсадга мувофиқ. Зеро шу аспектда Фуркат ижодига ёндошиш, шоир асарларининг халқ оғзаки ижоди билан алоқадорлигини тадқиқ этишда энг самарали йўлдир. Куйида ана шу мулоҳазага таяниб, фольклор асарлари кахрамонларининг Фуркат асарларида иштироки масаласининг кўриб ўтайлик.

Фуркат асарларида диний-мифологик, тарихий, афсонавий характердаги бир канча фольклор кахрамонлари иштирокини кузатиш мумкин. Бу кахрамонлар шоир асарларида асосан ўхшатиш, хиёслаш объекти сифатида келтирилади. Хусусан диний мифологияга мансуб кахрамонлардан Хазрати Хизр ва Масих образларини кўрайлик. Шоир мазкур образларни анъанавий тушунча асосида хўллайди:

Обихавон бирла умри жовидонни не килай
Бир хати Хизру лаби лаъли Масихо бўлмаса.
Хизр осо хатларинг хар дам тутар оби хаёт,
Элга лаълинг жон берур Исо пайгамбардаккина.
Хатинг ул Хизр элга берса хар ҳақон хайвон суйи,
Нуткинг ул жон бахшлик бўлса Масих гуфторида.

Мифга кўра оби хаёт — тириклик суви мавжуд бўлиб, уни ичган кимса абадий яшайди. Бу сувга Хизр пайгамбаргина муяссар бўлиб, Хизр суви деб ҳам юритилади. Масихо — Исо пайгамбар эса яна мифга кўра ўз нафаси билан ўликларга жон багишлаш қудратига эга.

Анъанага кўра бу образлар маъшуханинг лутфи ва лаъли лабига нисбат берилиб, классик шеъриятимизда кенг хўлланилади.

Фуркат ҳам бу образларга худди шу маънода жуда кўп мурожаат этади. Айни вазиятда мазкур образларнинг Фуркат ижодига ҳам бевосита ҳам билвосита ўзлашгани хақида сўз юритиш мумкин. Чунки Фуркат бу образлар хақидаги тушунчани бевосита фольклор манбалариданд — иний хикоят ва ривоятлар тўпламларидан, халқ оғзидан ҳам эшитган ва ёзма бадиий манбалардан ҳам адабий анъана тарихида ўзлаштирган.

Булардан ташхари Фуркат асарларида хайд этилувчи Яъқуб алайхиссалом, Юсуф Канъон, Сулаймон пайгамбар, Хорут ва Морут образлари хақида ҳам худди шу гапни айтиш мумкин. Хусусан шоир "Кашмирда" номли машхур газалидаги

Бир кўриб чоки зақон Хорут ила Морут иков
Чоки Бобил ичра колмишлар бўлак тадбирда.—

байтида Хорут ва Морут хақидаги афсонага ишора хилади. Шу афсонага кўра Бобил

шаҳрида жуда чуқур афсонавий чох мавжуд бўлиб, ерга тушгач, гоят номахбул ишлар хилиб гуноҳга ботган Хорут ва Морут номли фаришталарни худо шу чоҳда азоблаган. Улар то хиёматга ҳадар шу тубсиз чоҳха тушиб кетаверадилар. Классик шеърятимизга эса Бобил чоҳи маъшукаларнинг ияк чуқурчаси таърифи учун ташбех бўлиб хизмат хилган. Фуркат келтирган байтда мазкур образни гоят нозиклик билан қўллаб, Хорут билан Морутнинг чоҳи Бобил ичра холмиш сабабини маъшуканинг ияк чухурчасини кўриш охибати сифатида берадики, бу энди диний афсонага дунёвий жихат багишлашнинг ёркин намунаси.

Тарихий ва афсонавий образлар масаласига келсак, Фуркат бунда ҳам фольклор ва адабий анъанага, яъни бевосита ва бавосита мурожаат қилиш усулига амал хилганини кўрамиз. Унинг асарларида Фарход ва Ширин, Хисрав Парвез ва Жамшид, Лайли ва Мажнун, Баҳром ва Гуландом, Юсуф ва Зулайхо, Боязид ва Кайсар, Вомиқ, Рустам, Искандар, Доро, Афлотун, Арасту, Лукмон каби катор тарихий ва афсонавий шахслар номлари учрайди. Бу образлар ҳам аввалги қисмдаги образлар сингари муҳояса объекти бўлиб хизмат хиладилар. Лекин Фуркат уларни шунчаки ҳайд этиш билан чекланмайди, балки жуда хисха — икки-уч сўз воситасида ўхувчини ўша шахслар ҳақидаги конкрет афсона ва ривоятларга йўллайди. Бу мулоҳазани биргина Искандар образи мисолида ҳам асослаш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Фуркат асарларида энг кўп мурожаат илинадиган образ Искандардир. Табиийки, Фуркат Искандар ҳақида жуда кенг тарқалган халқ ўртасидаги афсона ва ривоятлардан ҳам, тарихий манба ва ёзма адабиёт вакиллари асарларидан ҳам атрофлича хабардор бўлган. Хусусан у тўққиз ёшида Ҳазрати Навоий бадиият оламига кирган экан, фаҳатгина Навоий ижоди орхали ҳам Искандар ҳақида бағоят бой тасаввурга эга бўлиши, шубҳасиз. Таъкидлаганимиздек, Фуркат ижодида Искандар образи учун халқ оғзаки ижоди ҳам ва ёзма адабиёт айниқса Навоий ижоди ҳам асосий манба бўлган. Шоирнинг "Бормисиз" радифли газалида куйидаги байт характерли:

Биз эллар — факр элимиз парча нонга сабр айлармиз,
Гараз дунё учун Искандару Дорога бормасмиз.

А. Навоийнинг Эрон шохлари тарихига бағишланган "Тарихи мулуки Ажам" номли асарида Искандар ва Доро муносабати ҳақида батафсил хикоя қилинади. Навоий муаррих ат-Табарийнинг "Тарих ар-русул ва -л-мулук" ("Пайгамбарлар ва подшолар тарихи") асарида келтирилган воқеани деярли айнан келтиради. Яъни Файлакус вафотидан сўнг тахтга чиққан Искандар Эрон шохлари Дорога бож тўламай қўяди. Шу бож юзасидан икки шох орасида катта жанг бўлиб, Доро енгилди. "Бож" масаласида бир канча жузъий тафсилотлар келтирилган. Доронинг енгилишида уни зимдан ёмон кўриб юрган икки ноиб сабабчи бўлади. Доро ўлими олдидан Искандарга кизига уйланиш, котилларини жазолаш ва кариндошларига азият етказмаслик ҳақида уч васиятни айтади. Искандар бу васиятларни тўла бажаради. Бу тафсилотлар Навоийнинг "Хамса" сидаги сўнги "Садди Искандарий" достонига ҳам маълум ўринларда асос бўлган.

Худди шундай сюжетга асосланган иккита ўзбек халқ эртаги ҳам мавжуд. Бири Хоразм халқ эртаги "Искандар Зулхарнайн" иккинчиси "Доро ва Искандарбек" эртаги. Эртақда ҳам, тарихий манба ва Навоийда ҳам Доро ва Искандар низосининг сабаби "бож" масаласидир. Фуркат юхорида келтирилган байтда Искандар Доро ҳақидаги айни шу

сюжетга, яъни "гараз дунё" бахонасидаги хиргинга ишора хилиб, сабр-каноат гоясини илгари суради. Бу ўринда ҳам Фуркатнинг ҳам бевосита, ҳам бавосита, яъни мавжуд фольклор манбаига ва Навоий ижоди воситачилигидаги яна ўша манбага таяниши хакида сўз юритиш мумкин.

Бундан ташқари Фуркат асарларида "тожи Искандар" ойинаи Искандари", "ойинаи жахоннамо" каби мотивлар учрайдики, булар хакида ҳам ана шу хулосани айтиш мумкин. Шу билан бирга, Фуркат асарларида Искандар образи билан боглик равишда, адабий анъана иштирокисиз ёки ҳеч бўлмас Навоий анъанасисиз, бевосита фольклорга тааллуқли мисоллар ҳам учрайди. Хусусан шоир "Илм хосияти" номли манзумасида Искандар атрофини куршаган аҳли фунунлар хакида сўзлаб Сикандар давлатида аҳли Юнон.

Фалотун ҳам Арасту бирла Лукмон,—

дейди. Тарихий ва ёзма бадиий манбаларда Искандар атрофидаги олимлар каторида Лукмон номи саналмайди. Чунки Лукмон шахси хакида, унинг тарихий шахс ёки афсонавийлиги борасида аниқ бир хулоса йўқ. Лукмон аксарият афсонавий, тўхима шахс сифатида тушунилади. Навоий ҳам "Тарихи анбиё ва Хукамо"да Лукмон масаласида "ихтилофдур" дейди ва у ҳам Лукмонни Искандар шохлиги даври билан богламайди. Ўзбек халқ эртақларидан "Лукмон хақим" эртагида Лукмон Искандарга замондош сифатида берилади. Демах, Фуркат Лукмонни Искандар атрофидаги олимлар хаторида санар экан, у бевосита фольклор манбаидан озихланган дейиш учун асос бор.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Фуркат ижоди ҳам ҳар бир халқчил ёзма адабиёт намояндаси каби халқ оғзаки ижодиётидан озукланган ва бу ҳол шоир асарларининг умрбоқийлигини таъминловчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилган.

Шухрат Ризаев